



# **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО  
МАЖБУРИЯТЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНИШИНинг  
ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА  
АХБОРОТ**

**Янги Ўзбекистон ва инсон  
ҳуқуқлари. Ўзбекистон  
Республикасида инсон ҳуқуқлари  
бўйича халқаро мажбуриятларга  
риоя қилинишининг ҳолати**

**тўғрисида ахборот.** – Тошкент:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон  
Республикаси Миллий маркази, 2020.  
– 65 б.

Мазкур ахборотда 2018-2019 йилларда  
инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий,  
ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини  
имплементация қилиш, инсон  
ҳуқуқлари бўйича миллий  
институтларни ривожлантириш ҳамда  
инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда  
фуқаролик жамияти институтларининг  
ролини ошириш, Ўзбекистоннинг  
халқаро майдондаги инсон ҳуқуқлари  
бўйича ташаббуслари, инсон  
ҳуқуқларига доир халқаро  
шартномалар қоидалари бажарилиши  
борасидаги давлат сиёсатининг асосий  
йўналишлари ёритилган.

Ушбу ахборот БМТ Тараққиёт  
Дастурининг Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси ҳамда Буюк  
Британиянинг Ўзбекистондаги  
элчихонаси томонидан ажратилган  
молиявий кўмаги асосида чоп этилган.  
Нашрда билдирилган фикрлар  
Элчихона ва БМТТДнинг расмий  
нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Ҳисоботнинг электрон нусхаси Инсон  
ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон  
Республикаси Миллий марказининг  
расмий веб сайтида мавжуд.  
[www.nhrc.uz](http://www.nhrc.uz)

© Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси Миллий  
маркази / 2019

Дизайн:

© Wing Yu Leung/ БМТ Тараққиёт  
Дастурининг Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси / 2019

Ишлатилган фотосуратлар:

© Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси Миллий  
маркази / 2019

©Ўзбекистон миллий ахборот  
агентлиги / 2018

© Wing Yu Leung/ БМТ Тараққиёт  
Дастурининг Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси / 2019

© БМТнинг Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси / 2019

© БМТнинг аҳолишунослик  
жамғармасининг Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси / 2017

©Uz Daily / 2019

©Ўзбекистон янгиликлари / 2019

©Tashkent Idea/2018

©Technovation Girls Uzbekistan /  
2019

©Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг расмий  
вебсайти / 2019

# МУНДАРИЖА



©Tashkent idea/2018

## 01 - 02

КИРИШ

## 03 - 41

I.  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ  
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА  
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ  
БАЖАРИЛИ ШИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК  
АСОСЛАРИ

## 42 - 44

II.  
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ  
ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ  
МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМИ

## 45 - 48

III.  
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ  
ҚИЛИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ  
ИНСТИТУТАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

## 49 - 51

IV.  
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА  
ТАЪЛИМ

## 52 - 59

V.  
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА  
ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

## 60 - 65

VI.  
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

*“Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислоҳотларни самарали амалга оширишининг муҳим кафолатидир.”*

*Ш.М. Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



©Wing Yu Leung/United Nations Development Programme in Uzbekistan/2019

## КИРИШ

2017-2021 йилларда  
Ўзбекистон Республикасини  
ривожлантиришнинг бешта устуvor  
йўналиши бўйича Ҳаракатлар  
стратегиясида белгиланган  
вазифаларни амалга ошириш доира-  
сида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон  
декларацияси қабул қилинганинг  
70 йиллигига<sup>1</sup> бағишлиланган тадбирлар  
дастури, “Фаол тадбиркорлик,

инновациявий ғоялар ва технология-  
ларни қўллаб-қувватлаш йили” ҳамда  
“Фаол инвестициялар ва ижтимоий  
ривожланиш йили” давлат дастурлари  
ҳамда фуқароларнинг шахсий,  
сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва  
маданий ҳуқуқларини таъминлашга  
кўмаклашувчи бошқа давлат  
дастурлари катта аҳамиятга эга  
бўлди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва унга риоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугун **мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ва босқичмабосқич имплементация қилишнинг ўзбек модели шаклланди.**

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, шу жумладан **БМТ-нинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та Факультатив протоколига** қўшилган ва уларнинг бажарилиши юзасидан миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда шартномавий қўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилмоқда.

2018 йили дунёда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим воқеа – **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганинг 70 йиллиги** кенг нишонланди. Мазкур ҳужжат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг бошланишига ҳамда мазкур Декларация талаблари ва демократик принципларни ҳисобга олган ҳолда миллий сиёsatлар шакланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинганинг

30 йиллиги, Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қабул қилинганинг 40 йиллигини нишонлашга бағишиланган кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилди.

«Халқаро шартномалар тўғрисида»ги Қонун<sup>2</sup>да Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси томонидан қатъий ва мажбурий тарзда ижро этилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини таъминлаш бўйича амалий чораларни қўллайди ҳамда ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши учун жавобгарлик юклатилган давлат органлари ва мансабдор шахсларини белгилаб беради.

Мазкур ахборот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тайёрланди. Ахборотда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганинг 70 йиллигига бағишиланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-5434-сонли фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 февралдаги «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонуни.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4056-сонли қарори.

I.

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ-  
НИНГ ИНСОН  
ҲУҚУҚЛАРИ  
БҮЙИЧА ХАЛҚАРО  
ШАРТНОМАЛАРИ  
БАЖАРИЛИШИ-  
НИНГ  
ҚОНУНЧИЛИК  
АСОСЛАРИ**

*“Жамиятда инсон шаъни ва қадр-қиммати нинг устуворлигини ўрнатиш ва ҳар доим адолатни таъминлаб бера оладиган одил судлов тизимини шакллантириши охирги икки йил давомида бизнинг бош вазифамиз бўлиб қолди.”*

*Ш.М. Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*





©The National Centre of The Republic of  
Uzbekistan For Human Rights/2019

## ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР


Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга устувор эътибор қаратилиши натижасида судлар мустақиллиги ва одил судловга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди. Хусусан, айлов далили сифатида ноқонуний усуллар билан олинган маълумотлардан фойдаланиш учун қатъий жавобгарлик белгиланди. **Жиноят кодексининг 235-моддаси (қийноқлар) БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясининг 1-моддасига мослаштирилди<sup>1</sup>.**

Жойларда судьялик лавозимига номзодларнинг шахсий ва касбий фазилатларини ўрганиш учун жамоатчилик комиссиялари ташкил этилди. Судларда ишларни кўришнинг адолатли, очиқ ва шаффоғлигини таъминлаш мақсадида ишларни электрон тақсимлаш тизими жорий этилди. Шунингдек, харажатлар ва бюрократик сансалорликни камайтириш учун “электрон жиноят иши” ва “масофадан сўроқ қилиш” тизимлари жорий этилмоқда.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти доирасида кўзда тутилган янгиликлар фуқароларнинг одил судловга эришиш кафолатларини кенгайтирди. Жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш учун шароит яратди.

Фақат 2018 йилнинг ўзида 1881 жиноят иши далилларнинг етарли эмаслиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни.



## ОҚЛАНГАН ШАХСЛАР СОНИ

2016 йил 28 киши, 2017 йил 263 киши оқланган бўлса, 2018 йил бу кўрсаткич 867, 2019 йил эса 859 нафарни ташкил этди.

учун тўхтатилди. 867 киши оқланди, бу кўрсаткич 2016 йилда – 28, 2017 йилда – 263 тани ташкил этган. 5462 нафар шахсга нисбатан билдирилган айловлардан, тергов давомида асосиз равишда айланганлар истисно қилиниб, 3290 нафар шахс суд залидан озод қилинди. 2019 йилда 859 киши оқланди, 3080 киши суд залидан озод қилинди.

Инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт жорий этилмоқда. Бунинг натижасида 2018 йилда жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган 993 нафар фуқаро, жумладан, 456 нафар йигит-қиз ҳамда 113 нафар аёллар Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталарининг

кафиллиги билан жазодан озод қилинди.

2019 йилда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган шахслар 1853 нафарни, шундан йигит-қизлар 210 нафарни, аёллар 270 нафарни ташкил қилган. Шунингдек, жазони ўтаётган 3 минг 333 нафар, жумладан, фаолияти тақиқланган ташкилотларга кириб қолган 646 нафар маҳкум афв этилиб, оиласи бағрига қайтарилиди.

Халқаро ташкилотларнинг тавсияларига асосан Ўзбекистон Президентининг қарори билан Қорақалпоғистоннинг Жаслиқ қўрғонида жойлашган жазони ижро этиш колонияси тугатилади.

**6000**  
**КИШИ**

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг Фармони билан  
6 мингдан зиёд киши фуқароликка  
қабул қилиниб,

**4000**  
**ШАХС**

қилган ишларидан чин дилдан  
пушаймон бўлган ва ахлоқий  
тузалиш йўлига қатъий кирган  
4 мингдан зиёд шахс афв  
этилди.

**20000**  
**ФУҚАРО**

Диний-экстремистик гурӯҳлар  
били алоқада бўлганликда  
гумон қилинган 20 мингдан ортиқ  
фуқаро “максус ҳисоблар”дан  
чиқарилди.

Фаолияти тақиқланган  
ташкилотларга адашиб кириб  
қолган, қилмишига пушаймон бўлиб,  
тузалиш йўлига ўтган фуқароларнинг  
мурожаатларини кўриб чиқиш  
бўйича Республика идоралараро  
комиссияси тузилди.

# 36%

*2018-2019 йилларда давлат хавфсизлик органларининг вазифа ва ваколатлари тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, барча даражадаги ходимлар фаолиятига холис баҳо берилди. Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олии борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида, аввало, бу жараёнда кенг жамоатчилик иштирокида жиноятчиликни 36 фоизга камайтишига эришилди.*

# 2046

## **НАФАР МАНСАБДОР ШАХС**

*Давлат ва жамият тараққиётига жиоддий зарар етказувчи, инсонларнинг адолатга бўлган ишончини йўқотувчи коррупциянинг олдини олии ва унга қарши қатъий курашиши бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилди. 2018 йилда бундай жиноятларни содир этган 1177 нафар мансабдор шахс, 2019 йилнинг 9 ойи давомида 2046 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди.*

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг қулай ишбилиармонлик мұхитини яратиш мақсадида 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бүйича давлат дастури қабул қылғанды, Коррупцияга қарши курашиш бүйича республика идоралараро комиссияси таркиби янгиланды. Коррупцияга қарши курашиш бүйича парламент құмиталари ташкил этилди, бу әса барча даражадаги давлат муассасаларыда коррупцияга қарши курашни кучайтиришга ёрдам беріши лозим. Маҳаллий вакиллік органлари таркибіда коррупцияга қарши курашиш бүйича комиссиялар тузиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилігінің тақомиллаштириш концепциясы тасдиқланды. Унга мувофиқ, фуқароларнинг ҳуқуқ ва әркинликтерини, жамият ва давлат манфааттарини самарали ҳимоя қилишга тұсқынлик қылувчи ҳуқуқий бүшликтерні бартараф этиш мақсадида янги Жиноят-процессуал кодекслари ишлаб чиқылмоқда.

Ўзбекистон халқаро мажбурияттарни бажаради ва бунинг ёрқын мисолларидан бири сифатида тергов ўтказишида суд назоратини кучайтиришга қаратылған “Хабеас корпус” процедурасини имплементация қилишни давом эттиришни келтириш мүмкін


## 2018 ЙИЛДА ҚАМОҚҚА ОЛИШ ТАРЗИДАГИ ЭХТИЁТ ЧОРАСИ

**30%**  
ФОИЗГА ҚИСҚАРТИРИЛДИ,

42 ҳолатда судлар қамоққа олиш тарзидаги эхтиёт чорасини құллаш түғрисидаги илтимосномаларни қондиришдан бosh тортди.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллаш ҳисобига ҳибсга олиш тарзидағи жиноий жазо бекор қилинди, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш 72 соатдан 48 соатгача қисқартирилди. Қамоқда сақлаш, ўй қамоғида сақлаш, дастлабки тергов тарзидағи эҳтиёт чораларини қўллаш муддатлари 1 йилдан 7 ойгача қисқартирилди, далилларни сохталаштирганлик учун алоҳида

жиноий жавобгарлик киритилди. Жазони ижро этиш муассасаларида қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан зўравонлик, қийноқлар ва рухсат этилмаган хатти-ҳаракатларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида 2800 дан ортиқ видеокузатув камералари ўрнатилди, улардан 1920 таси жазони ижро этиш колонияларида, 880 таси тергов ҳибсхоналарида ўрнатилди.



Ички ишлар вазирлигининг барча тергов изоляторларида, тергов тадбирларини ўтказиш хоналарида 123 та видеокузатув камералари ўрнатилган. Ички ишлар вазирлиги тергов изоляторларида терговчилар учун 43 та хонанинг 42 тасида овоз ёзувчи мосламалар билан бирга видеокузатув камералари ва реабилитация марказларида 283 та видеокузатув ускуналари ўрнатилган.

Шундай қилиб, кейинги босқич – жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларнинг телефон орқали сұхбатларини тинглаш ва тинтуб ўтказишга рухсат бериш ҳуқуқини судларга топширишdir.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда адвокатларнинг ваколатлари кенгайтирилди. Адвокатларга низоларни судгача ҳал қилиш, тарафларни яраштириш, шунингдек ҳакамлик судьяси сифатида ҳаракат қилиш бўйича чоралар кўриш ҳуқуқи берилди. Адвокатлар палатасининг роли сезиларли даражада ошди. Бундан бўён адвокатлик фаолияти ва суд ишларини юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда мажбурий тартибда амалга оширилади. Адвокатлар палатаси раисига қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ижро этиш ишларини ташкил этиш ва шартли ҳукм қилинган ва муддатидан олдин озод этилганларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш учун **Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузурида Пробация хизмати ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.**

**2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.** Жиноят-ижроия кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилмоқда.

Конституция ва халқаро мажбуриятлар билан кафолатланган фуқароларнинг эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун прописка ва виза олишдаги қийинчиликлар бартараф этилди. Хорижий фуқароларни республикага киритиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини мақбуллаштириш, кириш туризмини миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, маданий-тарихий меросни, табиий бойлик ва анъаналарни, шунингдек, республиканинг туристик имкониятлари ва салоҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

*Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни амалга ошириши мақсадида қўйидаги қонунлар қабул қилинди:*

### 2018 ЙИЛ 8 ЯНВАРЬ

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун

### 2018 ЙИЛ 24 ЯНВАРЬ

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси

### 2018 ЙИЛ 5 АПРЕЛЬ

Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонун

### 2018 ЙИЛ 3 ИЮЛЬ

“Медиация тўғрисида”ги қонун

### 2018 ЙИЛ 15 ОКТЯБРЬ

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонун

### 2019 ЙИЛ 17 ЯНВАРЬ

“Ўзбекистон Республикасининг Консуლлик уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун

### 2019 ЙИЛ 2 АПРЕЛЬ

“Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонун

### 2019 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРЬ

“Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун

### 2018 ЙИЛ 22 ЯНВАРЬ

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси

### 2018 ЙИЛ 25 ЯНВАРЬ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси

### 2018 ЙИЛ 12 АПРЕЛЬ

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун

### 2018 ЙИЛ 30 ИЮЛЬ

“Экстремизмга қарши курашиб тўғрисида”ги қонун

### 2019 ЙИЛ 14 ЯНВАРЬ

“Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун

### 2019 ЙИЛ 06 ФЕВРАЛЬ

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонун

### 2019 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРЯ

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун



©United Nations Development Programme  
in Uzbekistan/2019

## ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ

Ўзбекистонда турли конфесиялар ва турли этник гуруҳларнинг биргаликда яшашининг кўп асрлик тарихий тажрибаси тўпланган. Асрлар мобайнида унинг ҳудудида турли динлар ва эътиқодлар мавжуд эди. Мамлакатимизда 16 та турли конфесия бўйича **2275** та диний ташкилот фаолият юритмоқда, улардан 92 фоизи ёки 2092 таси ислом динига оид ташкилотлариdir. Шунингдек, православ, католик, лютеран, баптист, тўлиқ инжил, адвентист ва бошقا насроний черковлар, шунингдек, бухоро ва европа яхудийлари, баҳоийлар, кришнайтлар ва буддавийларнинг

диний жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда 165 та насроний, 8 та яхудий, 6 та баҳоийлар ташкилотлари, 1 та кришнайтлар, 1 та буддавийлар ибодатхоналари ва 1 та конфесиялараро Библия жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги фармони билан **Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси** тасдиқланди. Концепция инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, Ўзбекистоннинг бирлиги ва яхлитлигини мустаҳкамлашга,

унинг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг этник-маданий ўзига хослигини сақлашга, жамиятда миллатлараро бағрикенглик, тотувлик ва тинчликни сақлаб туришга йўналтирилди.

Фуқароларни камситиш ва нафрат асосидаги жиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида виждон эркинлиги ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

2018 йил 11 декабрь куни АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг қарори билан диний эркинликлар бузилаётган “алоҳида ташвиш үйғотадиган” мамлакатлар рўйхатидан Ўзбекистон расман чиқарилди. 2018-2019 йилларда Ўзбекистон делегацияси диний эркинликларни илгари суриш бўйича Вазирлар конференцияларида мунтазам иштирок этди. Мазкур анжуманларда Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасидаги ютуқлари ижобий баҳоланди.

**Парламент томонидан тасдиқланган Дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича “Йўл ҳаритаси” доирасида қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:**

- \* “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди;
- \* Диний ташкилотларни рўйхатга олиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятини тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди;
- \* янги таҳрирда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди;

- \* давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада мақбуллаштириш ва соддалаштириш мақсадида диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи миқдори беш баробар камайтирилди;
- \* диний ташкилотларнинг рўйхатга олувчи орган олдида ҳисбот бериш тартиби соддалаштирилди;
- \* рўйхатга олувчи органнинг ваколатлари доирасидан диний ташкилотларни тугатиш ҳуқуқи чиқариб ташланди, уларнинг фаолиятини тугатишнинг суд тартиби белгиланди.

2019 йилнинг ўзида 16 та янги диний ташкилот очилди, шу жумладан 9 та масjid, 7 та ислом динига оид бўлмаган ташкилот ўз фаолиятини бошлади.

Диний таълим ва маърифат, ўқув жараёнини йўлга қўйиш, имомлар ва руҳонийларни тайёрлаш жамиятнинг маънавий-ахлоқий янгиланишида муҳим омил бўлмоқда. 2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Халқаро ислом академиясида “Қуръоншунослик ва ҳадисшунослик”, “Ислом тарихи ва манбашунослик”, “Ақида” ва бошқа кафедралар очилди. Мазкур диншунослик мутахассисларни бўйича 100 нафар талаба ўқишга қабул қилинди.

Аҳолининг ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган қатор йирик тадбирлар ташкил этилди. “Дунёвий давлат: уни ҳозирги босқичда амалга ошириш принциплари ва механизmlари” мавзусида давра сұхбати, АҚШнинг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси С.Браунбек иштирокида “Диний бағрикенглик: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси” ҳамда “Қонун устуворлиги ва дин” мавзуларидағи Ўзбекистон-Америка семинарлари шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унга кўра дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга

ошириш, фуқароларнинг виждан эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича янги тизим жорий этилди. Ушбу тизим доирасида Дин ишлари бўйича қўмитанинг янгилangan асосий вазифалари белгиланиб, диний мутаассиблик ва экстремизм ғояларини тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл кўймаслик чораларини кўриш; виждан эркинлиги кафолатларининг бузилиши ҳолатларига нисбатан тезкор чоралар кўриш; аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантириш; оммавий ахборот воситалари, Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган радикал ғояларга қарши курашиб мақсадида миллий анъана ва қадриятларимизнинг кенг тарғиб этилишини таъминлаш каби устувор йўналишлар белгиланди.



## СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

Халқаро сайлов стандартларини амалга ошириш мақсадида парламент томонидан 2019 йили **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси** тасдиқланди. Сайлов кодекси замонавий талабларга ва демократик сайловларни ўтказиш бўйича халқаро амалиётга жавоб беради. Бундан ташқари, Европада хавсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси, МДҲ Ижроия қўмитаси каби халқаро ташкилотлардан хулоса ва фикрлар олинди.

**Сайлов кодекси қўйидаги асосий янги қоидаларни назарда тутади:**

- Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракат вакиллари учун депутатлик ўринларини квоталаш институти чиқариб ташланди;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шахар) Кенгашларига номзодларни кўрсатиш тартиби бекор қилинди;
- Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини ишлатиш тартиби қонун билан тартибга солинди;
- сайлов натижаларини ташкил этиш, ўтказиш ва умумлаштириш масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби жорий этилди;
- сайлов участкасида овозларни

хисоблаш баённомасининг нусхасини зудлик билан эълонлар тахтасига чиқариб қўйиш тартиби белгиланди;

- илгари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги Низом бекор қилиниб, ўрнига қонунчилик даражасида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби белгиланди;
- катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган ва оғир бўлмаган жиноятларни содир этган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган шахсларни сайлашда иштирок этиш чеклови чиқариб ташланди;
- муддатидан олдин овоз бериш тартиб-таомилини амалдаги 1 кун ўрнига сайловдан 3 кун олдин тугатиш кўзда тутилди.

2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларда илк бор 5 та сиёсий партия иштирок этди. Сайловларда 20 миллиондан ортиқ сайловчи, шундан икки миллиондан зиёд ёшлар илк бор овоз берди. Шунингдек, Сайлов кодексида фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти – ўзини ўзи бошқариш органларини ҳам сайловларнинг ташкилотчиси сифатида, ҳам кузатувчи сифатида жалб қилинди.


Ҳукумат аъзоларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши ва лавозимидан озод этилиши ҳамда Президент Мурожаатномасидан келиб чиқиб, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилиши тӯғрисида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисга ҳисботини парламент назорати шаклида кўриб чиқиш бўйича нормалар қонунларга киритилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллаштирилди. “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тӯғрисида”ги қонуннинг янги

таҳрири қабул қилинди. Фуқаролар йиғинлари раисларнинг навбатдаги сайлови 2019 йил май ойида бўлиб ўтди. Бундан буён фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ваколатларининг янги муддати 3 йилни ташкил этади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланганида овоз бериш жараёни қатъий равишда фақат яширин шаклда, яъни сайлов бюллетенларини тўлдириш йўли билан амалга оширилади.



©Uzbekistan National News Agency/2018

## ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАР



Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини тартибга солишини такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш асосида фуқаролар фаровонлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

БМТнинг 2030 йилгача Кун тартибини амалга ошириш мақсадида ҳукумат томонидан **2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасида Миллий мақсад ва вазифалар<sup>1</sup>** қабул қилиниб, унда 16 та миллий мақсад ва 125 та вазифа тасдиқланди. **Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”** қабул қилинди, **Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 841-сонли қарори.

**1200**  
дан

**ОРТИҚ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**

*Тадбиркорлар ва бизнес  
тузилмалари, уларнинг  
ҳуқуқларини ҳимоя қилиши  
тизими учун қулай шарт-  
шароитлар яратиш мақсадида  
1200 дан ортиқ қонун  
ҳуэжсати, жумладан,*

ПРЕЗИДЕНТНИНГ

ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ

**186** та  
қонун

**138** та  
ФАРМОН ВА  
ҚАРОРЛАРИ

**280** та  
қарори қабул  
қилинди

жумладан, 186 та қонун, Президентнинг 138 та фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 280 та қарори қабул қилинди. Тадбиркорлар ҳуқуқларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида устуворлиги принципи жорий этилди.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш мақсадида **Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси** қабул қилинди. Амалдаги 22,5 фоизли максимал даромад солиғи ставкаси ўрнига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 12 фоиз миқдорида киритилди, 8 фоизлик суғурта ажратмалари бекор қилинди. Ягона ижтимоий тўловнинг юқори даражаси 25 дан 12 фоизгача қисқартирилди. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, мақсадли йўл ва таълим жамғармаларига 3,2 фоиз миқдоридаги мажбурий ажратмалар бекор қилинди.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланиш учун етарли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи жуда муҳим аҳамиятга эгадир. **“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”** маҳсус дастурларининг қабул қилиниши бу қишлоқларга (маҳаллаларга) замонавий қиёфа бериш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш мақсадида аҳолининг турмуш шароитини босқичма-босқич яхшилаш, турмуш тарзи ва турмуш даражасида ижобий ўзгаришларга эришишга қаратилган.

Дастур доирасида

**1,6  
МИЛЛИОНДАН  
ОРТИҚ АХОЛИ**

яшайдиган

**312549<sub>ТА</sub>  
УЙДА**

қурилиш ва ободонлаштириш ишлари режалаштирилган. Вилоят ва туман марказларини ободонлаштириш, марказий кўчаларнинг меъморий қиёфасини янгилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, аҳолидан келаётган адолатли шикоят ва мурожаатлар аҳоли учун уй-жой шароитларини яратиш ва яхшилаш соҳасида ҳали ҳам муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятсизлиги туфайли уй-жой фонди йиллар давомида таъмирланмаган, бу эса уйлар томининг ёмонлашувига олиб келган, ташқи кўриниши эса белгиланган талабларга жавоб бермай қолган.

Бундан ташқари, аҳоли яшаш манзилларининг электр тармоқлари ва трансформатор пунктларида тез-тез учрайдиган бахтсиз ҳодисалар электр таъминотида кўплаб узилишларга олиб келади, суюлтирилган газ баллонлари етишмайди. Жойларда автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш бўйича сифатсиз олиб борилаётган ишлар, сув таъминоти тармоқлари ва иншоотларининг яроқсиз ҳолати, канализациянинг санитария талабларига мос келмаслиги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, уй-жой фондини кенг кўламли қуриш ва реконструкция қилиш даврида маҳаллий ҳокимият органлари ва қурувчи ташкилотларнинг огоҳлантирмасдан ва очик муҳокамаларни ўтказмасдан уй-жойларни бузиши билан боғлиқ қонунчиликка хилоф ҳаракатлари уй-жой мулкдорлари, ҳонадон ва бошқа кўчмас мулк эгаларининг адолатли шикоятларини келтириб чиқармоқда.



©News of Uzbekistan/2019



©Uz Daily/2019

**2017-2021 йилларда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш дастури тасдиқланди.** Хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, бу соҳани 2022 йил 1 январга қадар барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш кўзда тутилган.

Малакали тиббий хизмат кўrsatiш, комплекс ислоҳотлар даражасининг ошиши натижасида мамлакатда ўртacha умр кўриш давомийлиги 1990 йилдаги 67 ёшдан – 2018 йилда 74 ёшга ошди. Болалар ўлими 3 баробар камайди.

Мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди, асосий тамойиллари тиббий хизматларнинг мавжудлиги ва сифати, уларнинг кафолатланган ҳажмини таъминлаш, шахсий ҳаётга аралашишдан ва оиласвий сирни сақлашдан ҳимоя қилиш, инсонийлик ва инсонга

нисбатан ҳурмат, шунингдек, гендер тенглиги деб белгилаб қўйилган “Репродуктив саломатлик тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги қарори билан замонавий, юқори технологик, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилмоқда.

Фуқароларнинг соғлиғини чилим ва электрон сигареталар чекишнинг заарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тасдиқлашнинг ташкилий ва ҳуқуқий шароитларини яратишга қаратилган “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистонда қизамиқ ва қизилча касалликлари йўқ қилинганлиги эътироф этилди, шунингдек, мамлакат “безгакдан озод” ҳудуд ҳисобланади.**

Мамлакатимизда ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши курашиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва сил касали инфекциясидан ҳимоя

қилиш юзасидан соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Республикада 40 мингдан ортиқ ОИТСга чалинган шахс яшайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда болалар ўртасида ОИВ инфекцияси ҳолатлари камайганлиги қайд этилди. 18 ёшгача бўлган болаларнинг янги ОИВ инфекцияси ҳолатлари бўйича улуши 13,4 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда ОИВ инфекциясининг онадан болага ўтиши ва соғлом бола туғилиши профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепцияси амалга оширилмоқда.** Руҳий касалликлар мавжудлиги асосида одамларни камситиш ва стигматизациялашни бартараф этиш Концепциянинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

**Пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқни амалга ошириш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.** Хусусан, 2019 йилдан бошлаб пенсия тўловлари энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача ва иш фаолиятини олиб борувчи пенсионерларга пенсия миқдори тўлиқ ҳажмда тўлаб келинмоқда.

## МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ



©Official website of the President of Uzbekistan/2019

Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, бўш ва квоталанган иш ўринлари учун иш билан таъминлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда ўз-ўзини иш билан таъминлашнинг самарали шаклларини ривожлантириш бўйича ҳар йили тасдиқланган дастурларни амалга ошириш борасида самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини ва тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ишга жойлаштиришни рағбатлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда давлат хизматларининг қулайлиги сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

**“Электрон меҳнат дафтарчалари”** тизими ишга туширилди, Нодавлат нотижорат ташкилотларига мамлакат ҳудудида ва чет элда фуқароларни иш билан таъминлаш соҳасида хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Меҳнат ва бандликка кўмаклашиш вазирлигининг Жамоат ишлари фонди ташкил этилди.

Аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ва грантлар ажратиш тартиби жорий этилди.

ХМТнинг замонавий талаблари ва тавсияларига жавоб берадиган янги Меҳнат кодекси лойихаси ишлаб чиқилмоқда. Халқаро ташкилотларнинг тавсияларини амалга ошириш мақсадида вақтингчалик ёки доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки яшаш жойида рўйхатдан ўтмаган фуқароларни ишга қабул қилишни тақиқлаш бекор қилинди. Шу билан бирга, вақтингчалик ёки доимий пропискасиз ёки турар жойида ҳисобга олинмаган фуқароларни ишга қабул қилиш учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинди.

**«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди,** бу ходимларни танлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга, шунингдек, иш изловчиларга меҳнат бозорида ва бошқа хизматлар кўрсатишига қаратилган. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни кўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди.

Шунга қарамай, ҳудудлардаги меҳнат бозорида юқори даражадаги кескинлик сақланиб қолмоқда, доимий иш ўринлари яратиш, ёшлар, аёллар, кам таъминланган оиласлар аъзолари, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ташки меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масалалари ҳал этилмаяпти.

Мамлакатда меҳнат миграцияси масалаларига муносабат тубдан ўзгарди. Шу билан бирга, қонунчиликда ташки

ва ички меҳнат миграциясини тартиб га солишинг норматив-ҳуқуқий тамо-йиллари, яъни миграция жараён ларини ягона принцип ва қоидалар асосида тартибга солувчи яхлит миграция қо-нунчилиги ва ягона миграция сиёсати-ни амалга ошириш тушунчалари мавжуд эмас.

**Ўзбекистон Республикаси мажбурий меҳнат шаклларидан катталар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда сезиларли даражада ривожланишга эришди.** Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари доирасида ўз халқаро мажбуриятларини бажариши, шунингдек ХМТ томонидан тақдим этилган пахта йиғим-терим кампанияси мониторинги якунлари бўйича тавсияларни, шу жумладан, 2017-2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича дастурнинг амалга оширилиши халқаро ҳамкорлар томонидан ижобий баҳоланишига асос бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори билан алоҳида бандда фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари, бюджет ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, таълим муассасалари талabalari ва ўқувчиларини мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг барча турлари чекланганлиги қайд этилди.

Мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилди ва жиноий жавобгарлик

жорий қилинди. Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодекснинг 51-моддасига биноан меҳнатга маъмурий мажбурлаш учун жарима миқдори 10 мартаға ошди. Шунингдек, Жиноят кодексига иккита янги модда – мажбурий меҳнат учун ҳамда вояга етмаганларни меҳнатга жалб қилиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутивчи моддалар киритилди.

АҚШ Меҳнат вазирлиги 2018 йил 20 сентябрь куни Болалар меҳнатининг энг ёмон шакли бўйича йиллик хуросаларининг 17-нашрини эълон қилди (ТДА ҳисоботи).

**Ҳисоботда қайд этилишича,  
Ўзбекистон ҳукумати томонидан  
пахта теримиға болалар мажбурий  
меҳнатини сафарбар этиш сезиларли**

камайиши натижасида биринчи марта мўътадил тараққиётга эришилди. АҚШ Меҳнат вазирлиги ўзбек пахтасини “болалар меҳнати ёки мажбурий меҳнат билан ишлаб чиқарилган товарлар рўйхати”дан чиқариб ташлади.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиб соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, жиноятларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар жорий этилди. Мазкур чора-тадбирлар одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мамлакатда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.

2019 йилнинг 10 ойи давомида одам савдоси масалалари бўйича 1996 та



©Uz Daily/2018



мурожаат келиб тушди (2018 йили – 1824 та, 2017 йили – 2272 та, 2016 йили - 2131 та мурожаат). Одам савдоси билан боғлиқ жиноят содир қилиб, жиноий жавобгарликка тортилган шахслар сони 2019 йил 10 ой давомида – 109 нафар (2018 йил – 201 нафар, 2017 йил 405 нафар, 2016 йил – 510 нафар), шунингдек, одам савдоси жабрдийдалари сони 2019 йил 10 ойи давомида – 109 нафар (2018 йил – 250 нафар, 2017 йил – 440 нафар, 2016 йил – 664 нафар) камайиб бориш тенденцияси кузатилди. 2019 йил давомида 190 нафар одам савдосидан жабрланган-лар Одам савдоси жабрдийдаларига ёр-дам бериш бўйича республика реабилитация марказида реабилитациядан ўтди.

### **АҚШ Давлат департаментининг одам савдоси ҳолати тўғрисидаги йиллик ҳисоботида Ўзбекистон 2017 йили 3-тоифали мамлакатлардан 2-тоифали мамлакатлар даражасига кўтарилиди.**

Шу билан бирга, одам савдоси соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакллари ва услублари замон талабарига тўлиқ жавоб бермаяпти. Одам савдосига қарши курашиш соҳасида ташкилий ва ҳуқуқий асосларни тубдан такомиллаштириш зарурати тобора кучаймоқда.


Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонга биноан **Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси** тузилди ҳамда **Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи институти** таъсис этилди. Миллий комиссия раиси ва миллий маърузачи вазифасини Олий Мажлис Сенати раиси амалга оширади.

Ваколатли органларнинг ташаббускор эмаслиги, тегишли идоралараро ҳамкорлик қилинмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг номувофиқлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш талабидан келиб чиқиб, халқаро стандартларга мувофиқ ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни ҳамда Жиноят кодексига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.



**ОДАМ САВДОСИ  
УЧУН ЖИНОЙ  
ЖАВОБГАРЛИККА  
ТОРТИЛГАН  
ШАХСЛАР СОНИ**

2019 йилнинг 10 ойида  
109 та, 2018 йили 201  
та, 2017 йили 405 та  
ва 2016 йили 510 та



**ОДАМ САВДОСИ  
ЖАБРДИЙДАЛАРИ ДЕБ  
АНИҚЛАНГАНЛАР  
СОНИ**

2019 йилнинг 10 ойида  
109 та, 2018 йили 207,  
2017 йили 432 ва 2016  
йили 717 та



## АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича қонунчилик доирасида, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди.


Ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **5та ташаббус** амалиётга жорий этилмоқда.

Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида **Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия** тузилди.

2019 йил 2 сентябрида “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, ушбу қонунлар хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасалари, бошқа жойларда тазийклар ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш ҳамда эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш, жинси бўйича камситилишининг ва тенгсизлигининг олдини олиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга

қаратилди. Бу билан хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг тегишли механизмлари яратилди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев топшириғига биноан Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудига алдовлар йўли билан олиб кетилган 260 дан зиёд фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ўзбекистонга қайтарилди. Ушбу инсонпарварлик харакати инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатлар, шунингдек, халқаро гуманитар ҳуқуқ тамоийилларига мувофиқ равишда амалга оширилди.



©Wing Yu Leung/United Nations Development Programme in Uzbekistan/2019

Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ 195 нафар хотин-қизлар ижтимоий мослашув маркази (кризис марказлари) ташкил этилди.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишлар ҳолати хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмларни яратишга, жумладан, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволда бўлган аёлларни манзилли қўллаб-қувватлашни ташкил этишга, уларга ҳуқуқий маслаҳат беришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

**БМТнинг шартномавий қўмиталари ва ХМТнинг хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, одил судловдан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича тавсияларини амалга ошириш мақсадида қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:**

- аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинмоқда;
- тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланмоқда;


- бола парваришилаш таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси тартибида қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришилаш таътили берилади;
- икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилади;
- аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади;
- аёллар ва эркаклар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади.



©United Nations Population Fund in Uzbekistan//2018

## БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Мамлакатда оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда БМТнинг Бола ҳуқуқлари түғрисидаги конвенцияси талабларини бажариш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.



Бугунги кунда Ўзбекистонда жами 13 164 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда, уларнинг 5 882 таси (45%) давлат, 6 471 таси (49%) давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил қилинган. 3-7 ёшдаги болаларнинг умумий сонидан (2,7 млн.) 1 332 672 нафари (51,7%) мактабгача таълим тизимида таҳсил олмоқда.

Мониторинг шуни кўрсатдики, мактабгача таълим тизимининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Жумладан, болаларнинг таълим билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш учун мактабгача таълим муассасаларининг етишмовчилиги, ушбу муассасаларнинг моддий ва техник ҳолатидаги камчиликлар, алоҳида эҳтиёжманд болалар учун мазкур муассасаларнинг техник таъминоти ва методологик қўллаб-қувватлаши паст даражадалиги ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

9 691

ТА  
УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ

Мамлакатимизда жами 9 691 та  
умумтаълим мактаби фаолият олиб  
бораётган бўлиб,

5,8  
МИЛЛИОН

НАФАР ЎҚУВЧИ

уларда 5,8 миллион нафар  
ўқувчи таълим олмоқда.

86 ТА 21 ТА

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
МАКТАБ

ИНТЕРНАТ-  
МАКТАБ

Халқ таълими тизимида  
жисмоний ёки ақлий  
ривожланишида камчилиги  
бор бўлганлар учун 866 та  
ихтинослаштирилган мактаб ва  
21 та интернат-мактаб мавжуд  
бўлиб,

20 610

НАФАР БОЛА

уларда 20 610 нафар бола таълим  
олади.

**13,437**

НАФАР БОЛА

Бундан ташқари, жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ва узоқ муддатли даволанишга муҳтоҷ 13 437 нафар бола уй шароитларида таълим олмоқда.

**2**

ИХТИСОСЛАШГАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАР

Алоҳида шароитларда таълим ва тарбияга эҳтиёжи бўлган болаларни ўқитиш икки типдаги ихтисослашган таълим-тарбия муассасаларида амалга оширилади.

**2,557**

НАФАР ЕТИМ ВА ОТА-ОНАСИ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАР

**19**

“МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ”

**3**

БОЛАЛАР ШАҲАРЧАСИДА

19 та “Меҳрибонлик уйлари” ва 3 та Болалар шаҳарчасида 2 557 нафар етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбияланмоқда.



Шу билан бирга, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва баркамол авлодни уйғун тарбиялашда ташкилий ва ҳуқуқий асосларни тубдан такомиллаштиришга эҳтиёж қучаймоқда. Болаларни жойлаштиришнинг оиласвий ва бошқа муқобил шаклларини, айниқса, оиласга тарбиялаш учун қабул қилиш (патронат), шунингдек, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қулай шароит яратиш учун қўшимча чора-тадбирлар ҳам талаб қилинади.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари түғрисидаги конвенцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан 2019 йил 22 апрель куни Ўзбекистон Президентининг “**Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар түғрисида**”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор Ўзбекистон аҳолисининг **40 фоизини (12,2 миллион)** ташкил этувчи болалар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини имплементация қилишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган болалар ҳуқуқларининг ҳақиқий кафолатларини таъминлашда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича бир қатор ҳуқуқий ва ташкилий чоралар амалга оширилди, хусусан:

- ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уйжой фондидағи ўзлари яшаб турган турар жойларни улар «Мехрибонлик уйлари»га жойлаштирилган, васийлик ёки ҳомийлик органининг розилигига кўра васийликка ёки ҳомийликка олувчи билан бирга яшаётган бутун вақт мобайнида, 18 ёшга тўлгунга қадар бронлаштириш ҳуқуқи берилмоқда;
- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъи назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилади;
- болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важлари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди;

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмагандан ёки алимент ихтиёрий равища тўланмагандан ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга мурожаат қилмаган ҳолларда 14 ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд ота-онаси билан бирга яшамаётган бўлса, бир вақтнинг ўзида ота-онанинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли;
- болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган даъвогар давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинади.

БМТ шартномавий органларининг тавсияларига мувофиқ, эркаклар ва аёллар учун никоҳнинг энг кичик ёши – ўн саккиз ёш деб белгиланди. Ўн саккиз ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни, агар унинг ота-онасидан бири, васийликка ёки ҳомийликка олган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосга кўра яшаш ҳуқуқига эга бўлса, уларни қонун белгиланган ҳолларда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборишга йўл қўйилмайди.

**Бола ҳуқуқларига оид ҳалқаро стандартлар қоидаларини амалга ошириш учун қўйидаги чоратадбирлар амалга оширилмоқда:**

- етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий мақомини, шунингдек, уларнинг таълим шаклини, етим болалар ҳуқуқларини таъминлашни кўзда тутадиган “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ҳуқуқий ёрдам ва суд ҳимояси учун шароит яратиш назарда тутилди;
- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга, улар ўн саккиз ёшга тўлгунча “Мехрибонлик уйлари”да истиқомат қилган ёки ҳомийлик ва васийлик органининг розилиги билан ҳомий ёки васий билан яшаган даврида муниципал ва мақсадли коммунал турар жой фондларидан уй-жойни бронлаштириш тартиби белгиланмоқда;
- Болалар уйларида, ногирон болалар учун “Мурувват” интернат-уйларида, болалар сил касалликларига қарши санаторийларида, “Мехрибонлик уйлари”да, Болалар шаҳарчаларида, мактабгача таълим муассасаларида суиистеъмолчиликларни йўқотиш ва қонунийликни таъминлашга қаратилган жамоатчилик назоратининг амалий механизmlари жорий этилмоқда;
- “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга болага нисбатан таъқиб қилиш ва зўравонлик турлари, уларнинг олдини олиш чоралари, шунингдек, суд процесси жараёни иштирокчиси бўлган болаларни ҳимоя қилиш бўйича қўшимча кафолатларни кўзда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди;
- Жиноят кодексига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни ёлланма шахс сифатида ёллаш, унга тенг равища шу мақсадда уни ўқитиш, молиялаштириш ёки моддий таъминлаш, қуролли можароларда ёки ҳарбий ҳаракатларда ундан фойдаланиш учун, шунингдек, бола савдоси учун жавобгарликни кучайтиришни кўзда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда;
- Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга қулай шарт-шароит яратишга оид миллий ҳаракатлар дастури, шунингдек, ювенал адлия тизимини жорий этиш бўйича концепция ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Мажкамасининг 2019  
йил 17 августдаги қарорига  
мувофиқ, БМТнинг Бола ҳуқуқлари  
тўғрисидаги конвенцияси қабул  
қилинганлигининг 30 йиллиги  
мамлакатда кенг миқёсда  
нишонланди.



## ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан тенг асосда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича аниқ чоратадбирлар қабул қилиш бугунги кундаги устувор йўналишлардан биридир. Хусусан, имконияти чекланган шахсларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими яратилган.


©Uz Daily/2019

**ЖУМЛАДАН,**

**38 752**

**НАФАР ИНСОН**

*протез-ортопедия  
жихозлари ва техник  
реабилитация ускуналари  
билин таъминланди,*



Шу билан бирга, туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кутилган натижани бермаяпти. Болаларнинг эрта ёшдан кенг кўламли комплекс скрининг текширувини ташкил этишдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини ўтказиш учун қулай вақтни қўлдан бой беришга ва болалиқдан ногиронликнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ногиронликнинг гуруҳини аниқлашда ва протез-ортопедик ва техник воситалар билан таъминлашда шифокор-маслаҳатчи комиссиялар ва шифокор-мөҳнат экспертилик комиссиялари фаолиятидаги бюрократик процедуралар ҳалигача йўқ қилинмади.

Ногиронларнинг ўзлари ҳаракатланиши учун қулайликларни кўзда тутмайдиган аҳоли турар жойларини лойиҳалаш ва қуришга, бундай қулайликларга эга бўлмаган транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга йўл қўймасликни кўзда тутувчи **“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонун нормалари тўлиқ амалга оширилмаяпти.

Ногиронларга, уларнинг мазмунли хордиқ чиқаришини таъминлаб берувчи спорт, маданий, маърифий ва бошқа ижтимоий обьектларга ташриф буюриши учун имкониятлар етарли даражада таъминлаб берилмаган. Ногиронлиги мавжуд

одамлар учун амалдаги таълим тизими замонавий талабларга жавоб бермайди, уларни мөҳнат фаолиятига жалб этиш жуда ҳам паст даражада.

**Имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш мақсадида қўйидагиларни бажариш зарур:**

- ногиронлик белгиси бўйича камситишларга йўл қўймаслик, ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун тенг шароитлар ва бу ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;
- тиббий-мөҳнат экспертизаси ва ногиронлик ҳолатини аниқлашнинг шаффоф, замонавий услуб ҳамда мезонларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш;
- ногиронлиги бўлган шахслар оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қулай шарт-шароитда бўлишини, шаҳар йўловчилар транспортига, ижтимоий ва бошқа инфратузилмага тўсиқларсиз киришига имкон берувчи, жамоат транспортини маҳсус воситалар билан, жумладан пандуслар, алоҳида жойлар, овозли станциялар ва маршрутлар, электрон-ахборот таблолари билан жиҳозлаш орқали барча зарурий шароитларни яратиш;

- уларнинг жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаб берувчи инклюзив таълим ва ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;
- ногиронлиги бўлган шахслар билан боғлиқ ахборотлар ва хизматлардан фойдаланиши учун давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида қўшимча имкониятлар жорий этиш.

## II. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМИ

“Ўзбекистонда,  
бугун биз миллий  
ривожланишинг янги  
босқичида: «Халқ  
давлат органлари учун  
эмас, балки давлат  
органлари халқ учун  
хизмат қилиши лозим»  
деган бош принцип  
асосида фаолият  
юритишимиш лозим.”

Ш.М. Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Халқаро органларнинг тавсияларига мувофиқ охирги икки йилда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, хусусан:

- Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман);
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ҳуқуқий мақомларини такомиллаштириш, уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш ва фаолиятининг моддий-молиявий таъминотини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқлари халқаро куни ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилингандигининг 70 йиллиги нишонланган кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу инсон ҳуқуқлари бўйича маърузаларни тайёрлаш бўйича миллий механизмларни мустаҳкамлаш ҳамда келгусида уларнинг фаолиятини амалга ошириш борасида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг чақириғига жавоб бўлди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқлари масалалари юзасидан

жазони ижро этиш муассасаларида мониторинг ўтказиш, шунингдек, давлат хизматчилари ва фукаролик жамияти институтлари вакилларини инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши ва уларни чеклаш масалалари бўйича қонун лойиҳаларини Марказ билан мажбурий равишда келишиш лозимлиги тўғрисидаги тартиб киритилиб, **15** та қонун лойиҳаси экспертизадан ўтказилди.

**Халқаро мажбуриятларни амалга ошириш мақсадида Марказ томонидан қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари бўйича таклифлар тайёрланди, жумладан:**

- “БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;
- “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;
- “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича Омбудсман институтини таъсис этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;
- “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун;
- “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун;
- “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;
- “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган



©United Nations Development Programme  
in Uzbekistan/2018

- болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганинг 70 йиллигига бағишиланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

Парламент Омбудсманинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш бўйича қонунчилик чора-тадбирлари қабул қилинди, штат бирлиги икки баробар кўпайтирилди ва Котибиятининг янги ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Маҳбуслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми Омбудсман ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг

қийноқ ва муомала ва жазолашнинг бошқа қаттиқ, ноинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларининг олдини олишдаги ролини кучайтириш масаласи қонунчиликда мустаҳкамланди.

Парламент Омбудсмани тузилмасида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими таъсис этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ваколатлари кенгайтирилди ва кадрлар таъминоти мустаҳкамланди. Хусусан, унга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш функцияси юклатилди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига парламент Омбудсмани ва Бизнес-Омбудсманнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норма киритилди.

### III. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ- НИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

*“Халқ билан  
доимий мулокот,  
одамларнинг кундалик  
муаммоларини ҳал  
қилиш, уларнинг  
эҳтиёжлари ва  
талаблари бизнинг  
фаолиятимизнинг бош  
мезони бўлиб қолади”*

*Ш.М.Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



©United Nations Development Programme  
in Uzbekistan/2018

# 9,200

**ОРТИҚ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ  
ТАШКИЛОТИ**

Бугунги кунда  
мамлакатимизда фаолият  
юритаётган 9 200  
**дан** ортиқ нодавлат  
нотижорат ташкилоти  
жисмоний ва юридик  
шахсларнинг ҳуқуқлари ва  
қонуний манфаатларини,  
демократик қадрияларни  
ҳимоя қилишда, ижтимоий,  
маданий ва таълим  
соҳасидаги мақсадларга  
эришишда муҳим ролни  
бажармоқда.

Ўтган даврда мамлакатда фуқаролик жамияти мустақил институтларини мустаҳкамлаш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқиндан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг очиқ, шаффоғ ва ошкора фаолиятни амалга оширишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан ҳақиқий жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида комплекс ва тизимли ишлар олиб борилди. Хусусан, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, Тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Бош вазир қабулхоналарининг фаолияти ташкил этилди.**

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва шиддат билан ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгashi тузилди.** “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони таъсис этилди, жойларда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари” ташкил этилмоқда.

Давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларига дахлдор барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси билан келишишнинг мажбурийлиги кўзда тутилган. Ҳар бир давлат органи, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлклари ҳузурида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жамоатчилик назорати шаклларини амалга ошириш механизмларини батафсил регламентация қилиш, уларни амалиётда самарали қўллаш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик

кенгашлари фаолиятини яхшилаш чоралари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 30 октябрдаги «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази қайта ташкил этилди. Марказ ҳар йили Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги маъruzани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашига кўриб чиқиш учун киритиши, ўз навбатида, Маслаҳат кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериши белгиланди.

Шунингдек, ҳозирги кунда **Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс лойиҳаси** ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бир қаторда, мазкур соҳадаги қонунчиликни мониторинг қилиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш таҳлиллари фуқароларнинг сиёсий маданиятини, ҳуқуқий онгини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокига тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар борлигидан далолат бермоқда.

Хусусан:

- нодавлат нотижорат ташкилотлари эҳтиёжларининг тизимли таҳлили амалга оширилмаяпти, давлат ва ижтимоий соҳада янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича фикрлар алмашиб учун самарали майдонча ташкил этилмади;
- етарли даражада қонунчилик базаси яратилганига қарамай, ижтимоий шерикчилик фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини кенг миқёсда ҳал қилишга, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатан ҳам илгари суришга йўналтирилган давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмади;
- нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш процедуранари, уларнинг фаолияти тартиботларини тартибга солувчи, ортиқча бюрократик талаблар ва тўсиқларни кўзда тутган қонунчилик нормалари ҳозирги кунда эскирган ва замонавий талабларга жавоб бермай қолган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликнинг ҳаволаки нормаларини тафтиш қилиш, жумладан, “бўш” ҳаволаларнинг ҳаракатини аниқлаш ва бекор қилиш керак.

ННТга нисбатан давлат-ҳуқуқий сиёсатининг асосини, ННТ масалалари бўйича қонун ижодкорлиги фаолиятининг устувор йўналишларини, давлатнинг айrim функцияларини ННТга ўтказишнинг мезонлари ва босқичларини ишлаб чиқиш, давлат ва жамоатчилик мониторинги тизими ва нодавлат ва нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар амалга оширилишининг назоратини белгилаб беришни кўзда тутувчи 2020-2025 йилларга мўлжалланган Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришга оид концепцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ННТни рўйхатдан ўтказиш жараёнида турли хил тўсиқларни бартараф қилиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш функциясини Давлат хизматлари агентлигига бериш ва уни тадбирқорлик субъектларини рўйхатга олиш тартибига мувофиқ амалга ошириш талаб этилади.

## IV. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ТАЪЛИМ

“Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керак ки, унда Конституция ва қонунларга риоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати мажбурият эмас, балки кундалик ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб қолади.”

Ш.М.Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



©United Nations Development Programme  
in Uzbekistan/2018

Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари давлат фаолиятининг муайян шаклларида, жумладан, барча турдаги ва даражадаги таълим тизими (университетлар, мактаблар, коллежлар ва лицейлар, малака ошириш тизимлари), инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятида ифодаланади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тайёргарлик тўғрисидаги декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг бутунжаҳон дастури инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни кенг тарқатишга кўмаклашишда маҳаллий, миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда барча манфаатдор томонларнинг ҳамкорлигини кўзда тутади.

**Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир.** Кейинги йилларда мамлакатда миллий ҳуқуқий тизимни тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва малакали юридик кадрларни тайёрлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлатлар

ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан биргаликда таълим муассасаларида, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича идоравий ўқув марказларида инсон ҳуқуқларини ўқитиш масаласини ўрганди. Ўрганиш натижалари инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда жиддий муаммолар мавжудлиги, тингловчилар мазкур масала бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга эмаслигини кўрсатди.

Мамлакатда амалга оширилаётган катта ишлар билан бир қаторда, ҳали ҳал қилинмаган қатор муаммолар ёки етарли даражада эътибор қаратилмаётган масалалар қолиб кетмоқда. Улар орасида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:



- ҳуқуқий таълим ва тарбия соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича тизимли ишларнинг мавжуд эмаслиги (оила, маҳалла ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ролини ҳисобга олмаган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа айрим давлат органлари фаолиятига урғу берилиб, бир томонлама ривожланиш);
- мактабдаги таълим тизимидан “Конституция алифбоси”, “Конституция сабоқлари”, “Конституция дунёсига саёҳат” каби фанларнинг чиқариб ташланиши;
- олий ўқув юртлари ўқув режасидан “Инсон ҳуқуқлари” ўқув дастурининг чиқариб юборилиши;

- ёшларда ҳуқуқий иммунитетни ошириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги.

Бугунги кунда 20 дан ортиқ БМТ аъзо-давлатларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий ҳаракатлар дастурлари қабул қилиниб, давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим масаласига ўзининг эътиборини кучайтирум оқда.

Ўзбекистон Республикасининг **БМТ Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури парламент томонидан тасдиқланиб, унинг “Йўл харитаси”да белгиланган тадбирлар бажарилмоқда.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 августдаги қарорига асосан **Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилмоқда**. Унда БМТнинг устав ва шартномавий органларига инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаларини, шунингдек, муқобил маърузаларни тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмалар сўровларига жавоблар юбориш юзасидан давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг малакаси оширилади.



# V. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

*“Осиё форуми инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро амалиётга «самарқандча руҳ» деган тушунчани олиб кирди”*

Ш.М.Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



©United Nations Uzbekistan/2018

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилимоқда ва халқаро норма ижодкорлик фаолиятининг фаол иштирокчиси сифатида янги халқаро шартномаларнинг ташаббускори сифатида майдонга чиқмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида Ўзбекистоннинг ташаббуси билан янги муҳим ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббусининг ҳаётга амалий татбиғи сифатида – “**Маърифат ва диний бағрикенглик**” резолюцияси қабул қилинди. Резолюцияда маърифат, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик ва дўстликни илгари суриш қанчалик муҳимлиги, шунингдек, дунёда хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш учун интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бағрикенглик ва ўзаро тушунишнинг улкан аҳамияти эътироф этилмоқда.

Юбилей саналарни нишонлаш доирасида 2018 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида БМТ ташкил этилганидан кейинги 70 йил давомида Осиё минтақасида биринчи марта ташкил этилган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми** бўлиб ўтди.

Форумда БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессияси ҳужжати сифатида тасдиқланган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси** қабул қилинди. Ўзбекистон

парламенти инсон ҳуқуқларининг “самарқандча руҳи”ни амалга ошириш бўйича “Йўл ҳаритаси”ни тасдиқлади.

Бош Ассамблеяning 72-сессиясида Ўзбекистон **БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини** ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди ва унинг лойиҳаси барча манфаатдор томонларга муҳокама учун жўнатилди.

2018 йили Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Ўзбекистон БМТнинг устав ва шартномавий органлари, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан яқиндан ҳамкорликни амалга ошириб бормоқда.

Ўзбекистон 2021-2023 йилларга бўлган даврда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолик учун номзодини илгари суриши бўйича баёнот берди. Ҳозирда мазкур Кенгашга аъзолик учун номзодни илгари суриш бўйича сиёсий-дипломатик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2019 йил сентябрида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича маҳсус маъruzачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистонга келди. БМТ маҳсус маъruzачиси Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қабулида бўлди, мамлакатнинг З вилоятига ташриф буюрди, Олий Мажлис палаталари, вазирлик ва идоралар, олий суд органлари раҳбарлари билан 40 дан ортиқ учрашув бўлиб ўтди. Шунингдек, судьялар, адвокатлар фуқаролик жамияти институтлари фаоллари билан суҳбатлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан брифинг ўtkазилди. Ташриф якунлари бўйича маҳсус маърузачи Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифининг дастлабки якунларини тақдим этди. Диего Гарсия-Саяннинг расмий маърузаси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2020 йил июнда тақдим этилади.



**2018-2019 йиллар давомида  
Ўзбекистон томонидан инсон  
ҳуқуқлари ва эркинликлари масала-  
лари бўйича бешта миллий маъруза  
тайёрланди ва тақдим этилди:**

- Универсал даврий таҳлил доирасида Ўзбекистоннинг Учинчи миллий маъruzаси;
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг Бешинчи миллий маъruzаси;
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг Бешинчи миллий маъruzаси;
- Ирқий камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги конвенциянинг бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг Ўнинчи-Ўн иккинчи миллий маърузалари;
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг бажарилиши бўйича Учинчи миллий маъруза.

Универсал даврий таҳлил доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг тавсиялари натижалари юзасидан Парламентлараро иттифоқнинг тавсияларига мувофиқ парламент томонидан тасдиқланадиган Миллий ҳаракат режаси (“йўл ҳаритаси”) тайёрланди.

2019 йилда БМТ томонидан Қийноқлар бўйича конвенция бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг бешинчи маъruzasi ҳамда Ирқий камситишлар барча шаклларини

бартараф этиш тўғрисидаги конвенция бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг ўнинчи-ўн иккинчи маърузалари кўриб чиқилди.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитада Ўзбекистонга нисбатан **125** та шикоят рўйхатдан ўтказилган. Шундан:

- **4** таси қабул қилинмайди деб топилди (шиноят асослантирилмаган, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича ички механизmlардан ўтмаган);
- **46** таси бўйича кўриб чиқиш тўхтатилган (аризачининг сўрови бўйича ёки унинг томонидан ўз вақтида жавобнинг йўқлиги);
- **30** таси кўриб чиқиш босқичида;
- **42** таси бўйича аризачи фойдасига ва **3** таси бўйича давлат фойдасига қарорлар қабул қилинди.

Бугун Марказий Осиёда барча йўналишлар бўйича аввал кузатилмаган даражада чуқурлаштирилган минтақавий ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йил ноябрь ойида Тошкентда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун **Марказий Осиё мамлакатлари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларининг биринчи йиғилиши** ўтказилди.

Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси



билин ҳамкорлиги фаоллашди. Ўзбекистон **Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларациясини** тайёрлашда фаол иштирок этди ва Декларацияда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тўғрисидаги нормаларни киритишни таклиф этди.

2019 йил 7-8 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг “Тинч, демократик жамиятлар қуриш ва барқарор ривожланишда ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти” мавзууда Олтинчи йиллик семинари ўтказилиб, анжуман якунида **Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларда ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент декларацияси** қабул қилинди.



Ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқлари бўйича қуийидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди:

**ЖЕНЕВА  
1947 ЙИЛ 11 ИЮЛЬ**

Халқаро меҳнат ташкилотининг Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли конвенцияси

**ЖЕНЕВА  
1969 ЙИЛ 25 ИЮЛЬ**

Халқаро меҳнат ташкилотининг Қишлоқ хўжалигига меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли конвенцияси

**ЖЕНЕВА  
1976 ЙИЛ 21 ИЮНЬ**

Халқаро меҳнат ташкилотининг Халқаро меҳнат нормаларини қўллашга кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлар тўғрисидаги 144-сонли конвенцияси

**БРЮССЕЛЬ  
1953 ЙИЛ 19 ОКТАБРЬ**

Халқаро миграция ташкилотининг Конституцияси

**ЖЕНЕВА  
1971 ЙИЛ 29 ОКТАБРЬ**

Фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг, уларнинг фонограммаларидан ноқонуний қайта ишлаб чиқаришдаги манфаатларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция

**ЖЕНЕВА  
1996 ЙИЛ 20 ДЕКАБРЬ**

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси;  
Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Ижро ва фонограммалар бўйича шартномаси

Ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқлари бўйича қуийидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди:

**КИШИНЁВ  
2002 ЙИЛ 7 ОКТАБРЬ**

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция

**ПАРИЖ  
2005 ЙИЛ 20 ОКТАБРЬ**

Маданий ифодаларнинг турли хил шаклларини муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги конвенция

**ЖЕНЕВА  
2014 ЙИЛ 11 ИЮНЬ**

Халқаро меҳнат ташкилотининг Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилдаги 29-сонли конвенциясининг Баённомаси

**БОКУ  
2015 ЙИЛ 26 НОЯБРЬ**

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилотининг Устави

**ПАРИЖ  
2015 ЙИЛ 12 ДЕКАБРЬ**

Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Париж битими

Ўтган даврда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлиги фаоллашди. Ўзбекистонга “Хьюман Райтс Вотч”, «Амнести Интернейшнл», «Коттон Кампейн», Норвегия Хельсинки қўмитаси, Халқаро юристлар комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик, каби халқаро ташкилотларнинг делегациялари ташриф буюрди.



## VI. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР



Кейинги йилларда мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилишнинг қонунчилик, таълим ва институционал асослари яратилди. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш мониторинги тизими шакллантирилди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий механизмлар, шунингдек, халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда, амалий фаолиятни ўрганиш инсон ҳуқуқлари бүйича халқаро шартномаларни имплементация қилиш соҳасида халқаро стандартларни самарали қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи тизимли муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Ўз навбатида, бу муаммолар демократик ислоҳотларни самарали амалга оширишга ва инсон ҳуқуқлари бүйича миллий моделнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Хусусан, улар қўйидагилардан иборат:

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича давлат органлари ўртасида мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик етарли эмас, давлат органлари фаолиятининг институциявий асослари ва принципларининг замонавий талабларга мос эмаслиги мазкур мажбуриятлар сифатли бажарилишини таъминлашга имкон бермаяпти;
- парламент, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти тизими ва ўзаро ҳамкорликда амалга оширилмаяпти. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг вазифалари ва халқаро мажбуриятларини лозим даражада бажариш устидан самарали парламент

ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш зарур;

- инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни таъминловчи конституциявий-ҳуқуқий механизм ва жараёнларни тартибга солиш, инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларини қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилишда бўшлиқлар мавжуд;
- керакли билимлар ва кўникмаларнинг паст даражадалиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий механизмларнинг тавсияларини юзаки амалга оширишга олиб келмоқда;
- давлат органларидағи мавжуд статистик ҳисобот тизими сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича маълумотларни йиғишнинг халқаро талабларига мос келмайди ва бу ҳолат Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий механизmlар томонидан баҳолашда салбий таъсир кўрсатмоқда;
- миллий маърузаларни тайёрлашда ва ундан кейинги ҳаракатларда, шунингдек, “муқобил” маърузаларни тайёрлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг иштирокчилик тизими етарли даражада ривожланмаган;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари

масалалари бўйича давлат органлари ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими йўлга қўйилмаган, таълим муассасаларидаги ўқув дастурларидан “Инсон ҳуқуқлари” фани чиқариб юборилган;

- индивидуал хабарларни кўриб чиқиш бўйича шартномавий қўмиталарнинг қарорларини ижро этишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилмаган, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини судлар томонидан қўллаш амалиёти йўлга қўйилмаган;
- чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати масаласи қонунчилик даражасида ҳал этилмаган, қонунчиликни бузганлиги учун чет эл фуқароларини мамлакатдан суд тартибида чиқариб юбориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этган жинояти учун суд томонидан тайинланган жазони ижросидан ёки ўтаб бўлганидан кейин чиқариб юбориш механизми мавжуд эмас.

**Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларидан, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг тавсияларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни самарали бажаришга эришиш мақсадида қуийдагилар таклиф этилмоқда:**

- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш мақсадида **Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон**

### Республикаси Миллий

стратегиясини қабул қилиш лозим;

- Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг кенг доираси фойдаланиши учун мумкин бўлиши керак, бу эса, уларнинг кенг миқёсда чоп этилишини талаб этади. Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинаётган қонунларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаларида халқаро ҳужжатларни нашр қилиш, жумладан, уларни давлат тилида нашр қилиш ҳамда кучга кириши тартибини, марказий ва маҳаллий органлар ваколатларини, амалга ошириш усуслари ва улар билан ички ҳужжатларни мувофиқлаштириш, коллизиявий процедураларни тартибга солиш лозим;
- халқаро мажбуриятларни амалга ошириш бўйича маҳаллий органларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги қонунни “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид қилиш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари тўғрисида”ги норма билан тўлдириш лозим;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро стандартларни таъминлашдаги роли ва ўрнини янада кучайтириш мақсадида Конституциявий суд кўриб чиқиши учун масала киритиш ҳуқуқига



эга субъектлар доирасига, бундай ҳуқуқларни Олий суд кенгashi, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга ҳам тақдим этган ҳолда, шунингдек, “Менинг фикрим” портали механизмидан фойдаланиб жамоавий элётрон мурожаат киритиш тартибини жорий этиш орқали кенгайтириш лозим;

- жамият, давлат ва фуқаро манфаатларига дахлдор бўлган миграция муаммосининг муҳимлигини ҳисобга олиб, шунингдек, миграция соҳасида шаклланаётган муносабатларда барқарорликни ва истиқболни башоратлашни таъминлаш мақсадида “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунни қабул қилишни тезлаштириш лозим;

- мулк ҳуқуқининг кафолатларини кучайтириш мақсадида ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишда давлат ва жамоатчилик эҳтиёжи тушунчаларига аниқ таърифлар бериб, шунингдек, қонунчиликни бузилиш учун ҳокимиётнинг мансабдор шахслари ва қурувчи ташкилотларларнинг жавобгарлигини кучайтирган ҳолда уйларни бузиш тартиби ва муддатларини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш лозим;
- одам савдосига қарши курашиш тизимини такомиллаштириш мақсадида “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига одам савдосидан жабрланганларни халқаро стандартларга мувофиқ идентификациялаш ва қайта йўналтириш механизмини, белул юридик ва руҳий-ижтимоий ёрдам берувчи ижтимоий хизмат

тизимини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим;

- БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларига мувофиқ суд муҳокамаси давомида умумий қоидага кўра судланувчининг қўли кишанда ёки унинг ўзи панжара ортида бўлмаслиги ёки у ҳақиқатан ҳам хавфли жиноятчи сифатида талқин қилинадиган бошқача тарздаги кўринишда бўлмаслиги керак. Шунинг учун суд залида темир панжаралардан фойдаланиш тартибини қайта кўриб чиқиш лозим;
- бола ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий сиёсатнинг нисбатан долзарб ва талаб қилинадиган йўналишларидан бири вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобланади. Шу муносабат билан боланинг манфаатларини янада яхшироқ таъминлаб бериш, вояга етмаганларга нисбатан ишларни кўриб чиқишида маҳфийлик принципларини, шунингдек, маҳкум қилинган вояга етмаганларнинг ижтимоий реинтеграциясини таъминлаб берувчи чораларни кўришни янада самарали амалга оширишга имкон берадиган ювенал адлия тизимини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади;
- имкониятлари чекланган шахсларнинг жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги тўлиқ иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва



©United Nations  
Development  
Programme  
in Uzbekistan/2018

манфаатларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш учун БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарур;

- қийноқларни тақиқлаш соҳасидаги халқаро мажбуриятларни амалга ошириш, қийноқларнинг олдини олиш бўйича институциявий механизmlарни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистоннинг БМТ Қийноқка қарши конвенциясининг Факультатив протоколига қўшилиши, шунингдек, қийноқларнинг олдини олишнинг миллий превентив механизми тўғрисидаги қонунни қабул қилиш, мазкур механизмга Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича

- маслаҳат кенгашини киритиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир;
- индивидуал хабарларни кўриб чиқиш бўйича БМТнинг шартномавий қўмиталари тавсияларини бажариш масалаларини ҳал қилиш учун инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро органлар қарорлари Ўзбекистон Республикаси томонидан ижро этилиши тартиби тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир;
  - судлар томонидан ҳалқаро-ҳуқуқий нормаларнинг миллий қонунчиликдан устуворлиги борасида келиб чиқиши мумкин бўлган коллизияларни бартараф этишнинг амалий механизмини таъминлаш мақсадида суд амалиётида ҳалқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг маҳсус қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;
  - чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мамлакатнинг ҳалқаро мажбуриятларига мувофиқ ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш мақсадида “Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш лозим;
  - барча таълим муассасаларида “Инсон ҳуқуқлари” маҳсус ўқув курсларини ўқитишни тизимли равишда ташкил қилиш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида

фундаментал ва инновацион тадқиқотларни кенгайтириш, ушбу соҳадаги ҳалқаро тадқиқотларга интеграциясини таъминлаш, тадқиқот натижаларини амалий фаолиятга жорий қилиш зарур;

- аҳоли ҳамда давлат ҳокимиюти вакиллик ва бошқарув органлари вакилларининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини уларга мувофиқлаштириш бўйича мажбурият юклайдиган ҳалқаро ҳужжатлардан хабардорлигини ошириш мақсадида инсон ҳуқуқлари курси бўйича ўқув ва малака ошириш курсларини ўқитишни изчил амалга ошириш лозим.